O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2007 йил 14 февраль, № 32 (4185) Чоршанба

Фарзандлари келажагини ўйлаб яшаш – ўзбек миллатига хос фазилат



Бугунги кунда Кадрлар тайёрлаш миллий дастуримизни бутун дунё эътироф этмоқда. Лицей ва коллежларни битирган мингминглаб ёшларимиз нафақат юртимизда, балки хорижий мамлакатларда ҳам муваффақиятли ишламоқда.

Наманган муҳандислик-педогогика институти қошидаги Дўстлик академик лицейи ана шундай ҳамма ҳавас қиладиган билим даргоҳларидан. Бу ерда ижтимоий-гуманитар, хорижий филология, аниқ фанлар таълим йўналишлари бўйича 1098 нафар ўқувчи таҳсил олмоқда. Эътиборлиси, уларга 98 нафар профессор-ўқитувчи илм ва фан сирларидан сабоқ бераяпти.

Ушбу лицейдаги 7 та лингафон, 2 та компьютер, 6 та ўқув-лаборатория, спорт зали, шунингдек, маънавият-маърифат хонаси ва бошқа замонавий синф хоналари мавжудлиги ўқувчиларнинг амалий ва назарий билим олишларига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Таққос учун айтиш мумкинки, яқинда вилоят миқёсида ўтказилган фанлар олимпиадасида ушбу лицей ўқувчиларидан 25 нафари иштирок этиб, улардан 8 нафари юқори ўринларни эгаллади.

СУРАТЛАРДА: лицейнинг умумий кўриниши: аълочи ўқувчи Дилдора Холмуродова.

Х. МУҲАММАДИЕВ (ЎзА) олган суратлар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва барокатуҳу!

Ислом тараққиёт банки ва шахсан ўз номимдан Сиз, Жаноби Олийларини ҳижрий ҳисоб бўйича Янги йил кириб келгани муносабати билан самимий қутлаш менга катта мамнуният бахш этади.

Парвардигордан Сизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, Ўзбекистон халқига янада равнақ, тинчлик, хотиржамлик, бутун мусулмон умматига бирдамлик, ҳамжиҳатлик ва тараққиёт ато этишини сўрайман.

Сиз, Жаноби Олийларини 2007 йилда Осиё қитъасидан Тошкентнинг ислом маданияти пойтахти деб эълон қилингани муносабати билан чин қалбимдан табриклаш ҳам менга қувонч бағишлайди.

Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ислом ташкилоти томонидан (ISESCO) Тошкент шаҳрига ҳақли равишда ушбу мақомнинг берилиши мамлакатингизнинг ислом қадриятларини тиклаш ва ислом маданиятини ривожлантириш борасидаги юксак хизматларининг яна бир яққол тасдиғидир.

Маълумки, Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашган Тошкент Шарқ ва Ғарб ўртасида савдо, маданият, илм-фан ва таълим соҳаларидаги алоқаларни кенгайтиришда азалдан муҳим ўрин тутиб келган.

Ислом тараққиёт банки Сиз, Жаноби Олийларининг миллий қадриятларни тиклаш ва ўзбек халқининг буюк аждодлари қолдирган меросни асраб-авайлаш борасидаги улкан хизматларингизни юксак қадрлайди.

Мусулмон уммати жаҳон цивилизацияси, хусусан, ислом маданияти ривожига беназир ҳисса қўшган Мовароуннаҳр фарзандларининг – буюк мутафаккир ва олимларининг хизматлари билан ҳақли равишда фахрланади.

Ишончим комилки, ушбу муҳим воқеани нишонлашга бағишланган тадбирлар жаҳон ҳамжамияти учун ўзбек халқининг бой тарихий мероси билан янада яқин танишиш имкониятини яратиб, турли цивилизациялар ўртасидаги ҳамкорлик ва ўзаро ишончни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизга бўлган юксак ҳурмат-эҳтиромимни изҳор этишга, Ўзбекистон халқига эса янада равнақ ва фаровонлик тилашга ижозат бергайсиз.

доктор Аҳмад Муҳаммад Али,
Ислом тараққиёт банки президенти.

2007 йилнинг энг муҳим устувор йўналишлари:

Биринчидан, иқтисодиётнинг барқарор ва мутаносиб суръатларда ўсиши ҳамда таркибий ўзгаришлар ва модернизациялашни таъминлаш, унинг энг муҳим тармоқларини техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, солиқ сиёсатини янада эркинлаштириш;

иккинчидан, бизнес, жумладан, хусусий бизнес учун зарур бўлган барча шароитларни яратиш, давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини изчил камайтириб бориш;

учинчидан, хорижий инвестицияларни, биринчи галда, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш борасидаги ишларимизни ҳар томонлама кучайтириш;

тўртинчидан, иш ҳақи миқдорини ва аҳоли турмуши даражасини изчил ошириб боришни таъминлаш;

бешинчидан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шу асосда аҳолининг бандлиги ва фаровонлигини ошириш муаммоларини ҳал этиш;

олтинчидан, банк-молия тизимида олиб борилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва кўламини кенгайтириш;

еттинчидан, коммунал хўжалиги соҳасида ислоҳотларни янада чуқурлаштириш.

Бугуннинг гапи

ХАРАЖАТСИЗ ҚЎШИМЧА МАҲСУЛОТ

Ислоҳотлардан мақсад иқтисодиётнинг барча жабҳаларини жадал ривожлантириш ҳисобидан аҳоли турмуш фаровонлигини оширишдан иборат. Чунончи "Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати" уюшмаси тизимидаги корхоналарда илғор технологияларни кенг жорий этиш орқали маҳсулот тури ва сифати ошишига эришилмоқда.

Айниқса, мамлакатимиз Президентининг 2006 йил 31 майдаги "Пахта чигитини етказиб бериш механизмини ҳамда ўсимлик ёғи ва ёғ-мой маҳсулотларини сотишни тартибга солиш тўғрисида"ги Қарори соҳа ривожида муҳим аҳамият касб этди. Ушбу ҳужжатга кўра, пахта заводларида чигитни сифати ва миқдори бўйича қабул қилиш, хомашёни қайта ишлашда технологик талабларга қатъий риоя этиш, шунингдек, сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ва уларни сотиш тизими тубдан такомиллаштирилди.

Шу билан бирга, ёғ-мой маҳсулотларини сотиш тартиби ҳам соддалаштирилди. Мисол учун, илгари заводдан тайёр маҳсулот тўғридан-тўғри савдо шохобчаларига чиқарилган бўлса, эндиликда "Фермер хўжалиги — пахта тозалаш заводи — ёғ-мой корхонаси — Товар-хомашё биржаси" шаклида истеъмолчига етказиб берилаётгани маҳсулотлар нарх-навоси мўътадиллашувига хизмат қилмоқда.

Сир эмас, бундан икки-уч йил муқаддам хонаки мойжувозларда ишлаб чиқарилган сифатсиз, инсон ҳаёти учун хавфли ёғ маҳсулотлари савдоси авжга чиққанди. Аслида-ку, чигит бозорда сотилмайди. Бироқ сохта тадбиркор яширин йўллар орқали қўлга киритган чигитдан яроқсиз маҳсулот олиб, уни бозорга чиқарар эди. Президентимиз қарори ижросини таъминлаш баробарида бу каби нуқсонларга чек қўйилди.

Ҳақиқатан ҳам, бугун ёғ-мой корхоналари ишлаб чиқараётган маҳсулотлар сифати тобора яхшиланиб бораётганини кўпчилик эътироф этмоқда. Бу бежиз эмас. Зеро, эндиликда чигит хомашёси "Сифат" маркази ходимлари ва бошқа мутахассислар иштирокида жиддий текширувдан ўтказилгандан сўнг қайта ишлаш корхоналарига жўнатилмоқда.

Яна бир гап. Ўтган йилнинг август ойида ёғ-мой корхоналари фаолияти, бошқарув тизими, ишлаб чиқариш технологияларининг аҳволи тегишли мутасаддилар томонидан ўрганиб чиқилди. Пировардида чигитни қайта ишловчи 42 та корхонадан 21 тасида экстракция цехи бўлмагани учун, уларга хомашё ажратиш тўхтатилди.

Айниқса, тармоқда замонавий технологиялар жорий қилинаётгани ўз самарасини бераяпти. Хусусан, агар 2005 йилда пахта чигитидан ёғ чиқиши 16,9 фоизни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич ўтган йили 17,54 фоизга етди. Ишлаб чиқариш корхоналарида меҳнат интизоми мустаҳкамланганги, чигитни қайта ишлаш механизми такомиллаштирилгани эса қўшимча харажатларсиз мўлжалдагидан 9,5 минг тонна кўп ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш имконини берди. Натижада жами маҳсулот ҳажми аввалги йилдагига қараганда 158,7 фоиз ўсди.

Халқимизда "Тоққа чиққан чўққини кўзлар" деган нақл бор. Шу маънода "Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноат" уюшмаси тизимидаги корхоналарнинг 2007 йилги режасида ишлаб чиқариш цехларида такомиллаштирилган фильтрларни жорий этиш, чигитни линтсизлантирувчи ускуналар ўрнатиш, чигитни туксизлантириш даражасини 4 фоизга туширишни ҳисобига рафинацияланган ёғ чиқиш ҳажмини 0,3 фоизга ошириш, муҳими, ички бозорни харидоргир маҳсулот билан тўлдириш ва мамлакатимиз экспорт салоҳиятини юксалтириш каби вазифаларни амалга ошириш кўзда тутилган. Бу юмушларнинг тўла-тўкис бажарилиши, ўз навбатида, эл дастурхонига янада файз-барака киритади.

Сандолим ҲАЙДАРОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

13 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.



Депутатлар Қонунчилик палатасининг Кенгаши томонидан таклиф этилган кун тартибини тасдиқладилар.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг раиси Н.Исмоилов депутатлар иккинчи ўқишда кўриб чиқишлари учун киритилган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун, «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида»ги қонун, «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳалари тўғрисида маъруза қилди.

Мазкур ҳужжатларнинг моддама-модда муҳокамаси чоғида барча сиёсий партиялар фракциялари вакиллари сўзга чиқдилар. Депутатлар парламентга Президент Ислом Каримов томонидан киритилган қонун лойиҳалари Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим воқеа бўлганлигини алоҳида қайд этдилар. Бу ҳужжатлар мамлакатнинг давлат-ҳуқуқий ва сиёсий тизимини ривожлантириш, кучли фуқаролик жамияти сари бориш йўлидаги муҳим босқичдир. Давлатимиз раҳбарининг қонунчилик ташаббуси Ўзбекистон Республикасида кўп партиявийлик тизимининг ривожланиши ва мустаҳкамланишига янгича қудратли туртки бўлди. Қонун лойиҳалари қабул қилингач, сиёсий партиялар, уларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциялари ва маҳаллий ҳокимият вакиллик органларидаги партия гуруҳлари фаолияти учун ҳуқуқий макон анчагина кенгаяди, мамлакатимизда халқ ҳокимиятчилиги янада ривожланади.

Депутатларнинг фикрларини ҳисобга олган ҳолда Қонунчилик палатаси қонун лойиҳаларини иккинчи ўқишда қабул қилди.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси А.Тўхташевнинг Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал ҳамда Жиноят-ижроия кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги маърузаси бўйича депутатлар тегишли қонун лойиҳасини моддама-модда муҳокама қилдилар ҳамда уни иккинчи ўқишда қабул қилдилар.

«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг аъзоси С.Маҳмудов тақдим этди. Депутатлар ҳужжатнинг моддама-модда муҳокамаси чоғида уни янада такомиллаштиришга қаратилган бир қатор таклифлар ва қўшимчалар киритдилар. Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда қабул қилди.

Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси раисининг ўринбосари Р.Собиржонов «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 74-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини тақдим этди. Саволжавоблар ва батафсил муҳокамадан кейин депутатлар қонун лойиҳасининг асосий қоидаларини маъқулладилар ҳамда уни биринчи ўқишда қабул қилдилар.

«Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси аъзоси З.Убайдуллаев томонидан тақдим этилди. Депутатлар қонун лойиҳаси бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар ва киритилган таклифларни ҳисобга олган ҳолда қонун лойиҳасининг концепциясини маъқуллаб, уни биринчи ўқишда қабул қилдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг 2006 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисобот билан С.Рашидова сўзга чиқди. Муҳокамадан кейин депутатлар Омбудсман ҳисоботини тасдиқлаш ҳақида қарор қабул қилдилар.

(ЎзА).

Бир-биримизга ҳасад билан эмас, ҳавас билан қарайлик

2006 йилда эришилган натижалар юртимизнинг ҳар бир фуқаросида ғурур уйғотади

ЭЛ-УЛУС НАФ КЎРДИМИ?

Президент маърузасини тинглаб...

2006 йилга якун ясаган катта мажлисдан кейин ҳамкасбларимизнинг биринчи саволи шундай бўлди:

— Мажлис қандай ўтди?

— Яхши. Жуда баланд кайфиятда.

— Кимлар ишдан кетди?

— Ҳеч ким. Бу ҳақда гап бўлгани йўқ.

Ажабо, ҳалиям эски тасаввур ва тушунчалар онгимизни тарк этмаяпти. Ахир мажлис дегани кимнидир хафа қилиш, тазйиқ учун эмас, балки мақбул ечимларни топиш мақсадида маслаҳатлашиш учун чақирилади. Илгари замонларда эди — анжуманларга раҳбарлар сўроқ бергандай кайфиятда боришарди. Президентимиз ўз сўзларининг аввалида мажлис руҳини кўзланган мақсадга монанд ҳолга келтирдилар. 2006 йил Ўзбекистон учун нима берди? Ўн икки ой мобайнида қандай муаммолар дуч келдию, уларни ҳал этиш учун нималар қилинди, нималарга муваффақ бўлинмади? Эндиликда қандай иш тутсак, ислоҳотлар янада жадал суръат олади? Президент учун, мамлакат учун ана шу саволларга ҳудуд ва тармоқ раҳбарларининг шахсий қарашлари муҳим эди. Айнан шу масалаларга муносабат у ёки бу мансабдор шахснинг бугунги давр талабларини қанчалик тушуниш-тушунмаслигини аниқлаб берарди.

Кўнгилдаги гапни бемалол айтиш учун эркин вазият зарур. Юртбошимиз даставвал ана шундай самимий муносабатга қурилган мўътадил иқлимни яратди. Чўчимаслик керак, мавжуд аҳволни бошқаларга англатинг. Агар бошқарув жиловини қўлдан чиқармаслик борасида ижобий тажрибангиз бўлса, марҳамат, биз ҳам хабардор бўлайлик.

Мустақиллигимизнинг 15 йиллиги нишонланган йилда бизга ғурур бахш этадиган, тилга олсак арзийдиган натижаларга эришдик. Мамлакат иқтисодиётининг даражасини, салмоғини ифодалаб турган асосий кўрсаткичлар кўнгилларни қувонтиради. Бу натижалар Президентнинг сермазмун маърузасида пухта таҳлил ва зарур хулосалар чиқариш мақсадида тилга олинди. Таъбир жоиз бўлса, маъруза дақиқаларида ҳаммамизнинг хаёли битта жойга тўпланди, бутун залнинг вужуди қулоққа айланди.

Албатта, мамлакат иқтисодиётининг қамрови кенг, турли соҳалар олдида устувор вазифалар белгиланган. Бажарилган ишлар, босиб ўтилган йўлни баҳоловчи мезонлар ҳам кам эмас. Юртимизнинг ўн тўртта ҳудудида жорий этилаётган ислоҳотларга бир назар ташлашнинг ўзи анча-мунча фурсат талаб қилади.

Хўжалик йили якунларига баҳо берилаётганда кўпчилигимиз белгиланган режа неча фоизга бажарилганига, бир йил олдинги натижадан қанча ўзилганига қизиқамиз. Ундан кейин ҳар гектар ердан олинган ҳосилдорлик кўрсаткичини сўраймиз. Президент маърузасини тинглар эканмиз, эндиликда саволни бошқача қўйиш керак деган хулосага борамиз. Яъни тонна, центнер, фоиз ҳақида эмас, балки ҳар бир ишловчи бошига даромад салмоғи қанча бўлди? Ўша одамларнинг бугунги кайфияти, эртанги кунга ишончи қандай? Бордию ҳозирги маромда давом этсак, яшаш тарзимиз, хонадонларимиздаги барака бугунгидан яхшиланадими?

Халқ фаровонлигини яхшилаш мамлакатимиз раҳбарининг асл мақсади эканлиги ана шу қарашда ёрқин намоён бўлади. Демак, энг устувор вазифа ҳаётимизни яхшилаш экан, бу борада муттасил изчил сиёсат юритилаётганини ҳаммамиз юракдан англашимиз керак. Келинг, шу ўринда Президент маърузасидаги ушбу ўринга эътибор қилайлик: «Мамлакатимиз иқтисодиёти ривожи учун мустаҳкам ва барқарор пойдевор яратилганини ҳамда шаклланиб бораётган тенденцияларни инобатга олган ҳолда, биз ўз олдимизга 2007 йилда ўртача иш ҳақини камида учдан бир миқдорда, 2010 йилга бориб эса, яъни яқин уч йил давомида уни 2,5 баравар ошириш вазифасини қўймоқдамиз».

Хўш, бу нима беради? Президентимиз шундай саволни ҳам олдиндан сезгандай аниқ жавоб қилди: реал иш ҳақининг ошиши — бу иқтисодиётнинг қандай суръатларда ривожланаётганини, мамлакатнинг молиявий аҳволи мустаҳкамланаётганини, мутаносиб монетар сиёсат қандай таъминланаётганини яққол акс эттирадиган ўзига хос кўзгу ва кўрсаткичдир.

2006 йилда амалга оширилган яхши ишлар қаторида касаначиликка эътибор қилингани алоҳида таъкидланди. Қаранг, уйда ишлаб унча-мунча даромад топадиганлар илгари ҳам бор эди. Лекин улар бу юмушни бекитиқча, норасмий бажаришар, шундай шароитда қўрқув ва хавотир кўнгилга тинчлик бермасди. 2006 йилда Президентимизнинг бу хусусда узоқни кўзловчи вазифалар белгилаб берилган Фармони имзолангандан кейин иқтисодиётимиз жуда катта тармоққа, халқимиз эса эмин-эркин шароитда баракали даромадга эга бўлди. Бунинг учун бюджетдан қўшимча маблағ ажратишга ҳам ҳожат бўлмади. Илгари тўхтаб қолган цехлардаги занглаб ётган дастгоҳ ва ускуналар ўз эгасининг қўлига тушиб, элюртга наф келтира бошлади. Касаначилар узоққа бормасдан рўзғорга даромад келтира бошлади.

Бир йил, балки ундан ҳам қисқароқ муддатда 60 минг одам ишли бўлибди. Бунинг учун янги корхона қурилгани йўқ. Теп-текис жойда шунча хазинага эга бўлдик. Бу рақам эзгу ишнинг бошланиши, холос. Унинг самарасига гувоҳ бўлган яна қанча юртдошимиз касаначилар сафидан жой олишади.

Юртбошимиз маърузасида ёшларнинг бугунги кунда ҳаётимизда тутган ўрни ҳақида алоҳида сўз юритилди. Бизнинг жамики саъй-ҳаракатларимиз, тинимсиз изланиш ва ғайрат-шижоатимиз нимага қаратилган? Фарзандларимиз иқболига, камолига, албатта! Минг шукрки, Оллоҳ таоло миллатимизни шундай яратган. Фарзандларини ўйлаган халқ эса фақат ва фақат бунёдкорлик, эзгулик ҳақида ўйлайди. Бундай халқ билан ғурурланса, ўз қудратимизни яхши ишларга сарфласак, ёруғ орзуларимиз ушалгусидир.

Ш.ЖАББОРОВ.

Янгийўлда зўр тадбир ўтди

«Инсон — ҳаёт гултожи» танловига

Эътибор берганмисиз, нимага чақалоқ онасининг алласини эшитганидан кейин йиғидан тўхтайди ёки у эндигина қадам ташлашни ўрганаётганида, ота-онасига талпинади. Чунки у меҳрга муҳтож бўлади. Оилада ота-онанинг фарзанд тарбияси билан шуғулланиши ҳам ижтимоий ҳимоянинг бир кўриниши, десак янглишмаган бўламиз.

Тошкент вилоятининг Янгийўл шаҳрида ўтказилган тадбирида ана шу эътирофнинг амалий ифодаси гувоҳи бўлдик. Янгийўл шаҳар ҳокимлиги ва ҳомий ташкилотлар билан ҳамкорликда ўтказилган мазкур тадбир шаҳардаги кам таъминланган, ўзгалар ёрдамига муҳтож отахон-онахонларимиз, вояга етмаганлар, меҳнат фахрийлари ҳамда иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари учун ташкиллаштирилди.

— Жорий йилнинг Юртбошимиз томонидан "Ижтимоий ҳимоя йили" деб эълон қилинишида улкан маъно бор, — дейди Янгийўл шаҳар ҳокими Зафар Файзуллаев. — Бугунги кунда юртдошларимиз моддий ва маънавий жиҳатдан ҳимоя қилинаётган экан, унда юксак инсонпарварлик ифодаси акс этаётганини билиш мушкул эмас. Шу сабабдан ушбу меҳр дастурхонига тиббиёт ходимларини, ўқитувчи-мураббийларни ҳам таклиф қилдик.

Ҳозирда Ижтимоий ҳимоя йили муносабати билан республикамизнинг қатор ҳудудларида турли тадбирлар ташкиллаштирилмоқда. Бироқ Тошкент вилоятининг Янгийўл шаҳрида бўлиб ўтган мазкур тадбир кенг жамоатчилик иштирокида ўтгани билан аҳамиятлидир. Республика "Нуроний" ва "Маҳалла" жамғармалари раҳбарлари ҳам ушбу тадбирнинг қамрови, диққатга сазоворлигини таъкидлашди.

Бугунги кунда Янгийўл шаҳрида 62256 нафар аҳоли истиқомат қилади. Улардан 105 нафари иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, 350 нафари фахрийлар, 120 нафари боқувчисини йўқотганлар ва 250 нафари ногиронлардир. Тадбирда Янгийўл аҳолисининг 500 нафар вакили иштирок этди. «Ўткир» хусусий фирмаси томонидан уларнинг 250 нафарига кийим-бош, 22 нафарига устки кийим, юз нафари қарилиги ва ногиронлиги сабабли бир жойда ётиб қолганларга моддий маблағ ҳамда зарур озиқ-овқат маҳсулотлари берилди. Шаҳарда истиқомат қилувчи кам таъминланган оилаларнинг тўрт нафарига телевизор берилиши уларга улкан қувонч улашишига сабаб бўлди.

— Ҳукуматимиз томонидан бундай эътиборга лойиқ эканлигимдан ҳаяжоним чексиз, — дейди қувонч ёшларини яширолмай Шаҳло Фозилова. — Биздек ногиронларнинг кўнглини олишга, бир калом ширин сўз айтганликлари учун ташкилотчилардан, Юртбошимиздан жуда миннатдорман.

Янгийўллик Валижон ота Ғаниев иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси. Бу отахоннинг кўзларида қувонч чексиз эди.

— Қарияларга меҳр-мурувват, эътибор кўрсатадиган бундай юртни қаерда кўргансиз, — дейдилар у киши. — Фақат бизда, мустақил Ўзбекистонимизда мана шундай оқибат бор. Юртимизга кўз тегмасин, тинч-тотув яшаш барчамизга насиб этсин. Бунинг савоби ҳам, жавоби ҳам фақат яхшилик бўлишига ишонаман.

Шаҳарнинг Муқимий маҳалласида яшайдиган Наталья Якубова совғага олган рангли телевизорини қаерга қўйишни билолмай ҳаяжонда:

— Мен буни кутмагандим. Эрим саккиз йил мукаддам бедаво дардга чалиниб бандаликни бажо этди. 3 ўғил, 2 қиз қарамоғимда қолди. Маҳалламизга, унинг раиси Дилоромхонга минг раҳмат. Ҳар доим хабар олиб туришади.

Бугунги кунда 82 ёшни қаршилаётган Рамазон Атаманов, унинг умр йўлдоши Эмина она ногиронлиги туфайли кўчага чиқишолмайди. Шаҳар раҳбарлари бу оилага аталган совғани уларнинг хонадонига олиб келишди. Бутун умрини ёш авлод тарбиясига бағишлаган отахон-онахонлар меҳмонлар ташрифидан кўзларига ёш олишди.

— Тўғри, бу дунёни тарк этган бирор одам қайтиб келмайди, — дейди Рамазон ота. — Лекин сизлар бизни худди нариги дунёдан қайтариб олиб келгандай бўлдингизлар.

Бу гаплар изоҳ талаб қилмасди.

Омонулла ФАЙЗИЕВ, "Халқ сўзи" мухбири.
СУРАТДА: меҳр-оқибатни намоён этувчи лаҳзалар. Даврон АҲМАД олган сурат.

Фарғоналик журналистлар билан мулоқот

Фарғоналик бир гуруҳ журналистлар — туман ва шаҳар газеталари муҳаррирлари, етакчи ижодий ходимлари тажриба ўрганиш учун пойтахтимизга келишди.

Улар Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Фарғона вилоят бўлими ҳамкорликда ўтказган «Парламент ва оммавий ахборот воситалари» давра суҳбатида иштирок этишди. Тадбирда, шунингдек, Фарғонадан сайланган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, республика газеталари муҳаррирлари ва етакчи журналистлари қатнашдилар.

Давра суҳбатида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси ўринбосари И. Саифназаров, депутатлар О. Ўсаров, Ю. Нишонов, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш. Ғуломов, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори Ж. Ҳакимов сўзга чиқиб, журналистнинг жамиятдаги ўрни, матбуот олдига бугун қўйилаётган талаблар, қонунчилик соҳасида Олий Мажлисда олиб борилаётган ишлар, яқинда қабул қилинган янги таҳрирдаги «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонуннинг аввалгисидан афзал томонлари ҳақида гапиришди.

Б. ЭГАМҚУЛОВ.

Таълим ва замон

Таҳририятимизда ёш журналистлар сафи кенгайиб бормоқда. Улар, менинг назаримда, «Янги ўзбеклар»дир... Янги эканликлари ҳар бир қадамларида яққол кўзга ташланиб туради. Чунончи, биз — «эски» журналистлардан фарқ қилиб, бошдан-оёқ компьютерга ёпишиб ишлашади. Таҳририятимиз шу ёшлар туфайли «электрон почта» орқали нафақат мақола ва ахборотлар матнини, балки суратларни ҳам узоқ-узоқлардан зум ўтмай қабул қилиб оладиган бўлиб қолди.



ГАВҲАРНИ ТОШГА УРМАНГ!

Шу «болалар»нинг саъй-ҳаракати туфайли, «Интернет» орқали Ер юзининг энг олис нуқталарида юз берган воқеа-ҳодисалар тўғрисидаги ахборот кўз очиб-юмгунча таҳририятга етиб келади ва пайдар-пай газета саҳифаларига тушади. Бу ёш йигит-қизлар инглиз, немис дегандай, хорижий тилларни ҳам эгаллашган. Ўша, узоқ давлатларда нашр этиладиган кўп саҳифали газеталарни тез-тез варақлаб туришади. Таҳририятнинг ижодий-таҳлилий йиғилишларида «Хорижий газеталар», «бизнинг газеталар...» деб, даврий нашрларни қиёслаб ҳам қолишади. Уларни эшитиш, ёзганларини ўқиш-қизиқарли... Мен фақат ўз жамоамиз бағридаги «Янги авлод» вакиллари тўғрисидагина гапиряпман. Бундай янги фикрли ёшлар бугун мамлакатимизнинг сиёсий жабҳасида, иқтисодиётда, банкларда, турли корхоналарда, илм-фан, таълим ва тиббиёт соҳаларида ҳам тобора кўпайиб боришяпти. Яқинда матбуотда республика олий ўқув юртларида бакалавриатура, магистратура ҳамда аспирантурада ўқиб, 2006-2007 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат стипендияларига сазовор бўлган ёшлар рўйхати эълон қилинди. Улар орасида илмда эришган ютуғи аллақачон амалиётга жорий этилиб, катта иқтисодий фойда келтираётган ёшлар ҳам бор.

Ҳар томонлама замонавий дунёқарашли ва юксак малакали ўзбек ёшлари осмондан тушаётгани йўқ. Улар шу ерда, Ватанимизда вояга етишяпти. Сўзнинг чин маъносидаги бундай янги ёшлар — Ўзбекистонда, Президентимиз Ислом Каримов ташаббускорлигида ва раҳнамолигида йўлга қўйилган, халқаро андозалардаги янги таълим фарзандларидир.

Миллат ёшларининг жўшқин камолоти — халқимизнинг азалий орзуси эди. Фақат XX аср сўнгида юз берган буюк тарихий бурилиш — Мустақиллик — халқимизнинг барча орзу-мақсадларига порлоқ йўл очди. Жумладан, ёшлар масаласида ҳам! Ўзбекистонда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинди. Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий этилди. Шуни таъкидлаб айтиш керакки, бугунги кунда таълим-тарбия республикамизнинг энг олис қишлоқ жойларида ҳам юксак халқаро андозаларда йўлга қўйилмоқда. «Таълим фақат шаҳарлардагина кучли даражада» деган қарашлар эскирмоқда. Бунинг бир мисолини келтирамиз. Яқинда Қозоғистоннинг Алмати шаҳрида ўқувчиларнинг фанлар бўйича халқаро олимпиадаси бўлиб ўтди. Мана шу олимпиадада Бухоро вилоятининг Қоракўл қишлоқ туманидаги 1-мактаб интернат ўқувчиси Ўткир Болтаев математика йўналишида халқаро кумуш медалга сазовор бўлди. Умуман айтганда эса, шу мактаб-интернат вакиллари олимпиадада 40 та давлат ўқувчи гуруҳлари орасида фахрли 4-ўринни эгаллашди. Яъни дунёдаги энг юқори 4 та ўриндан биттасини. Бундан қувонмай бўладими?!

Ҳа, Юртбошимиз шу йилнинг 12 февралида Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил якунлари ҳамда 2007 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг устувор йўналишларига бағишланган мажлисида айтганларидек, «Бизнинг ишимизга кимки баҳо бермоқчи бўлса, ана шу ёшларга, уларнинг онги ва дунёқарашига боқсин».

Дарҳақиқат, таълим бизда энг олий даражада — давлат сиёсати мавқеида эъзозланмоқда. Энди мамлакатимиздаги кенг жамоатчилик, айниқса, ёшларнинг ўзи таълимни давлатимиз эътибор бераётган даражаларда қадрлашни ўрганмоқлари керак. Биз бу гапни бежизга айтаётганимиз йўқ. Афсуски, орамизда шундай ота-оналар бор, улар: «Ўқиб ким бўлардинг? Ўқимаганлар ҳам бинойидай яшашяпти-ку!» деган гапни айтиб, фарзандларини илм-маърифатдан совитмоқдалар. Бу эса ниҳоятда зарарли фикр, ҳатто хавфли дунёқараш. Ўз болаларининг келажагига беэътибор кишиларни сира ҳам тушуниб бўлмайди. Ахир фарзандларимиз бир умр бозорга баклажкаларда чой ташиб, кўча бўйларида машина ювиб кун кечирмайди-ку?

Болалар — ҳаётимиз гавҳарлари. Гавҳарни қуёшга, нурга тутсангиз, камалакнинг етти ранги ила жилоланганидек, фақат илм-маърифат қуёшигина фарзандларимиз салоҳиятини юзага чиқазади. Гавҳарни тошга урманг, тупроққа қориштирманг. Яъни гавҳар — болаларимизни униб-ўсиш, илм-маърифат йўлида равнақ топиш имкониятларидан маҳрум қилманг.

Ҳар биримиз ўз бағримиздаги фарзандларимиз келажагини Ватан келажаги билан узвий боғлиқ равишда тасаввур этиб, уларнинг тарбияси устида жиддий ўйлашимизга тўғри келади. Аммо ҳаётда гоҳида бундай юксак умумхалқ мақсадларига панд берадиган хатти-ҳаракатларга ҳам дуч келмоқдамиз. Маълумки, оммавий ахборот воситаларида ўқувчилар ва талабалар учун чиқарилаётган дафтарлар масаласи тўхтовсиз кўтарилмоқда. Муқовалари таълимнинг юксак ғояларига зид равишда, асосан тижорат, айрим шахсларнинг-гина кундалик, майда манфаатларини кўзлаб безалаётган дафтарлар нафақат газета-журналлар, телевидение ва радионинг, балки таълим даргоҳларидаги минглаб ўқитувчиларимиз, миллионлаб ота-оналарнинг ҳам борган сари кучли норозилигига сабаб бўлмоқда. Аммо ҳозирча на фақат таълим, балки савдо тизими раҳбарларини ҳам бу ҳолат негадир айтарли безовта қилмаяпти. Қани энди, бутун халқимизда бор ташвиш бу «жаноблар»га ҳам юқса, виждон-иймонларини эл норозилиги бироз уйғотса? Дафтар ишлаб чиқарувчи ташкилотлар, корхоналарнинг мутасаддилари дафтарларни болаларимиз, ёшларимиз маънавиятини ичдан бузадиган хавфли оғуга айлантираётганликларини, охир оқибатда, тушуниб етишсалар?

Билим-малака бундан кейинги тараққиётимизда ҳар бир кишига сув билан ҳаводай зарур бўлиб бораверади. Масалан, бугун юртимизда фермерлик ҳаракати тобора кучаймоқда. Ахир, фермерлик — фақат далада кетмон чопиш, ғаллани суғориш, чорва моли олдига хашак ташлаш, дегани эмас. Балки фермер замонавий ҳисоб-китоб юритишни албатта билиши зарур, уларнинг ташкилотлар, корхоналар, банклар билан шартномалар тузиб ишлаши талаб қилинади. Демак, фермерлар етарли даражада ҳуқуқий ва иқтисодий-молиявий билим-малакали бўлиши давр талабидир. Ҳозир ҳамма фермерлар буни ўз бошларида яққол ҳис этяптилар.

Барча моддий бойликлар — ўткинчи. Аммо эгалланган билим, малака, касб-ҳунар, мутахассислик — битмас-туганмас хазинадир. Билимли, малакали одам меҳнат бозорида рақобат борган сари кучайиб бораётган ҳозирги даврда ўзига дадил йўл оча олади. Билим нафақат ёшларнинг ўзини, балки бу ёшларнинг тимсолида, улар мансуб бўлган эл-юртни ҳам юксалтиради. Таълимнинг қадрини доимо баланд тутайлик.

Михли САФАРОВ.

Ҳуқуқий маданият юксалса...

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2006 йил якунлари ва жорий йил режаларига бағишланган ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди. Адлия вазири Ф.Отахонов бошқарган мазкур йиғилишда ўтган йил мобайнида амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилиниб, келгусидаги муҳим вазифалар ва йўналишлар белгилаб олинди.

Таъкидланганидек, адлия органлари томонидан ўтган йилда жамиятни модернизациялашга қаратилган юзга яқин қонун ҳужжат лойиҳалари тайёрланган. Ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш учун тақдим этилган мингдан зиёд қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларига ҳуқуқий хулосалар берилиши таъминланган. Ушбу давр мобайнида аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, вазирлик томонидан 36 мингдан ортиқ ҳуқуқий тарғибот ишлари ўтказилди. Бу кўрсаткич 2005 йилга нисбатан 11 фоизга ошганидан далолатдир.

Бундан ташқари, нотариат, ФХДЁ ва адвокатура идоралари фаолиятини такомиллаштириш борасида ҳам сезиларли ишлар бажарилган. Хусусан, 2 миллион 800 мингга яқин нотариал ҳаракатлар амалга оширилиб, 900 мингдан зиёд фуқаролик ҳолати далолатномалари қайд этилган. Шу билан бирга давлат эҳтиёжи учун маҳсулот етказиб бераётган қишлоқ хўжалиги корхоналарининг 300 мингдан ортиқ шартномасида адлия органлари бевосита иштирок этган. Тадбиркорлик субъектлари, жумладан, хорижий инвесторлар ва чет эл инвестициялари жалб қилинган корхоналарнинг манфаатларини кўзлаб судларга киритилган даъво аризалар сони 2005 йилга нисбатан 24 фоизга, таъсир чоралари сони эса 41 фоизга кўпайгани адлия органларига фуқаролар ишончи ортиб бораётганини кўрсатади.

Тадбирда ижобий ишлар билан бир қаторда йўл қўйилган айрим камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, иштирокчилар томонидан мамлакатни ислоҳ қилиш ва янгилашнинг ҳуқуқий базасини тизимли равишда такомиллаштириш бўйича аниқ таклифлар берилди. "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастурида белгиланган тегишли вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш, қабул қилинаётган янги қонун ҳужжатларини жойларга етказиш ҳамда Адлия вазирлигининг адлия органлари фаолиятини янада такомиллаштирувчи 2007-2008 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастури қабул қилинди.

Ҳайъат йиғилишида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати, Олий суд, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги масъул ходимлари қатнашди.

Шоира БОЙМУРОДОВА, «Халқ сўзи» мухбири.

ЖАҲОН 24 соат ичида

Шанба куни АҚШнинг Ироқдаги ҳарбий кучлари қўмондони ўзгарди. Эндиликда контингентни генерал-лейтенант Дэвид Петреус бошқаради. Қўмондонликни қабул қилиб олиш маросими тугагандан сўнг Бағдоднинг Каррада туманида бир автомобиль портлатилди. Сўнгги хабарларга кўра, натижада уч киши қурбон бўлди, 10 киши жароҳатланди. Америка ҳарбий қўмондонлиги жума куни Бағдоднинг шимоли-шарқида юз берган портлаш оқибатида 3 аскар ҳалок бўлгани ва 4 нафари жароҳатланганини маълум қилди.

Сенатор-демократ Барак Обама АҚШ Президентлиги учун сайловларда кураш олиб боришини маълум қилди. У сиёсатда катта таржибага эга бўлмаса-да, Ироқдан ҳарбийларни олиб чиқиб кетишга салоҳияти етишини таъкидлади. Бундан ташқари, Обама Жорж Буш маъмуриятини кескин танқид қилди. У Ироққа урушни тарихий хато, деб баҳолади ва президентлик курсисини эгаллагандан сўнг келгуси йил март ойига қадар барча америкалик ҳарбийлар мазкур мамлакатдан олиб чиқиб кетилишини билдирди.

Эрон Президенти Маҳмуд Аҳмадинажод мамлакатга қўлланилаётган халқаро жазо санкцияларига қарамасдан, расмий Теҳрон уранни бойитиш ишларини давом эттириш ниятидан воз кечмаслиги ҳақида баёнот билан чиқди. Бироқ у Эрон ядро қуролларини тарқатмаслик тўғрисидаги шартномадан чиқмаслигини таъкидлади.

Косовода албан миллатига мансуб икки минг нафарга яқин одам намойишга чиқди. Тартибсизликлар оқибатида полиция

билан жиддий тўқнашувлар бўлиб ўтди. Хавфсизлик хизмати намойишчиларни тарқатиб юбориш учун кўздан ёш оқизувчи газдан фойдаланишди. Митинг иштирокчилари Косовонинг мустақил давлат сифатида тан олинишини талаб қилишмоқда. Бундан бир ҳафта илгари БМТ Косовога кенг эркинлик берувчи мухторият беришни, лекин суверенитетини чегараловчи режа тақдим этганди.

Шимолий Корея ўзининг оммавий қирғин қуроли яратиш устидаги тадқиқотларини тўхтатишга рози. Бунинг эвазига расмий Пхеньян келишилган миқдорда энергетика ёрдамини олади. Бундан ташқари, Россия ҳам Шимолий Кореянинг 8 миллиард долларлик қарзидан воз кечиши керак. Шимолий Корея ҳукумати биринчи навбатда МАГАТЭ инспекторларини мамлакатдаги ядро объектларига киришига рухсат бериши лозим. Мазкур келишувларни амалга ошириш учун олтита ишчи гуруҳи тузилди.

Ливандаги христиан динига эътиқод қилувчи аҳоли яшайдиган Бикфия шаҳрида иккита автобус портлаб кетди. Бу ҳақда «Рейтерс» ахборот агентлиги маҳаллий полиция берган маълумотга таяниб хабар тарқатди. Сўнгги хабарлар оқимига қараганда, хунрезлик 12 кишининг ўлимига сабаб бўлди.

Буюк Британия Бош прокурори лорд Питер Голдсмит АҚШ хукуматига мурожаат қилиб, Гуантанамодаги ҳарбий асирларни озодликка чиқаришни сўради. У қийноқлар йўли билан кўрсатма олиш ва расман айблов эълон қилинмасдан узоқ муддат махбусларни ушлаб туриш Америка қонунчилигига тўғри келмаслигини таъкидлади. Бундан ташқари, у Гуантанамони адолатсизлик рамзи дея атади.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

Ўзбекистон банклари ассоциацияси

«Универсал биржа маркази» МЧЖ

2007 йил 15 март куни соат 11.00 да

Ўзбекистон банклари ассоциацияси биносида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан тақдим этилган қуйидаги мулкларни қўймоқда:

- 2006 йил 3 майдаги 418/2-сонли ижро ҳужжатига асосан «ППЦТ-38» русумли ярим-тиркама (полуприцеп) цистерна (ҳажми —38м³, шасси №439САТ11050005159, 2005 йил). *Бошланғич баҳоси — 80 000 000 сўм.*
- 2006 йил 3 майдаги 418/2-сонли ижро ҳужжатига асосан «ППЦТ-38» русумли ярим-тиркама (полуприцеп) цистерна (ҳажми —38м³, шасси №439САТ11050005197, 2005 йил). *Бошланғич баҳоси — 80 000 000 сўм.*
- 2006 йил 3 майдаги 418/2-сонли ижро ҳужжатига асосан «ППЦТ-38» русумли ярим-тиркама (полуприцеп) цистерна (ҳажми —38м³, шасси №439САТ11050005176, 2005 йил). *Бошланғич баҳоси — 80 000 000 сўм.*
- 2006 йил 3 майдаги 418/2-сонли ижро ҳужжатига асосан «ППЦТ-38» русумли ярим-тиркама (полуприцеп) цистерна (ҳажми —38м³, шасси №439САТ11050005150, 2005 йил). *Бошланғич баҳоси — 80 000 000 сўм.*
- 2006 йил 3 майдаги 418/2-сонли ижро ҳужжатига асосан «ППЦТ-38» русумли ярим-тиркама (полуприцеп) цистерна (ҳажми —38м³, шасси №439САТ11050005200, 2005 йил). *Бошланғич баҳоси — 80 000 000 сўм.*
- 2006 йил 3 майдаги 418/2-сонли ижро ҳужжатига асосан «ППЦТ-38» русумли ярим-тиркама (полуприцеп) цистерна (ҳажми —38м³, шасси №439САТ11050005202, 2005 йил). *Бошланғич баҳоси — 80 000 000 сўм.*
- 2006 йил 3 майдаги 418/2-сонли ижро ҳужжатига асосан «ППЦТ-38» русумли ярим-тиркама (полуприцеп) цистерна (ҳажми —38м³, шасси №439САТ11050005168, 2005 йил). *Бошланғич баҳоси — 80 000 000 сўм.*
- 2006 йил 19 июндаги ижро ҳужжатига асосан «Тошкентлифт» трестига қарашли Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Миробод (Кунаев) кўчаси, 12-уй, 53-хонадонда жойлашган лифтни таъмирлаш учун бириктирилган нозимхона (инв. №71). *Бошланғич баҳоси — 4 676 464 сўм 99 тийин.*
- 2006 йил 3 майдаги 418/2-сонли ижро ҳужжатига асосан «ППЦТ-38» русумли ярим-тиркама (полуприцеп) цистерна (ҳажми —38м³, шасси №439САТ11050005203, 2005 йил). *Бошланғич баҳоси — 80 000 000 сўм.*
- 2006 йил 19 июндаги ижро ҳужжатига асосан «Тошкентлифт» трестига қарашли Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Марказ-15, 2-«А» уй, 23-хонадонда жойлашган лифтни таъмирлаш учун бириктирилган нозимхона (инв. №4). *Бошланғич баҳоси — 4 586 226 сўм 08 тийин.*
- 2006 йил 3 майдаги 418/2-сонли ижро ҳужжатига асосан «ППЦТ-38» русумли ярим-тиркама (полуприцеп) цистерна (ҳажми —38м³, шасси №439САТ11050005175, 2005 йил). *Бошланғич баҳоси — 80 000 000 сўм.*
- 2006 йил 19 июндаги ижро ҳужжатига асосан «Тошкентлифт» трестига қарашли Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Марказ-4, А.Қодирий кўчаси, 24-уй, 4-хонадонда жойлашган лифтни таъмирлаш учун бириктирилган нозимхона, (инв. №3055). *Бошланғич баҳоси — 7 865 202 сўм 93 тийин.*
- 2006 йил 3 майдаги 418/2-сонли ижро ҳужжатига асосан «ППЦТ-38» русумли ярим-тиркама (полуприцеп) цистерна (ҳажми —38м³, шасси №439САТ11050005164, 2005 йил). *Бошланғич баҳоси — 80 000 000 сўм.*
- 2006 йил 19 июндаги ижро ҳужжатига асосан «Тошкентлифт» трестига қарашли Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Қорасарой кўчаси, 1-уй, 72-хонадонда жойлашган лифтни таъмирлаш учун бириктирилган нозимхона (инв. №60). *Бошланғич баҳоси — 9 044 457 сўм 60 тийин.*
- 2006 йил 19 июндаги ижро ҳужжатига асосан «Тошкентлифт» трестига қарашли Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Қорақамиш-2/1 мавзеси, Сағбон кўчаси, 44-уй, 25-хонадонда жойлашган лифтни таъмирлаш учун бириктирилган нозимхона (инв. №96). *Бошланғич баҳоси — 3 045 301 сўм 19 тийин.*

Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖ 2007 йил 6, 15 март кунлари соат 11.00 да Ўзбекистон банклари ассоциацияси биносида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига Юнусобод, Шайхонтохур, Учтепа, Сергели туманлари суд ижрочилари бўлинмаси ва Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан тақдим этилган қуйидаги мулкларни қўймоқда:

- 2005 йил 9 августдаги 18404-сонли ва 2006 йил 10 июлдаги 11718-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати комендатурасида сақланаётган, давлат рақами 10К18-96 бўлган, 2002 йилда ишлаб чиқарилган «Мерседес-бенц-S600» русумли автотранспорт воситаси (двигатель №13797040017090, кузов № WDB2201781A288088). *Бошланғич баҳоси — 100 000 000 сўм.*
- 2006 йил 10 июлдаги 11714-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати комендатурасида сақланаётган, давлат рақами Х283FUM бўлган, 1981 йилда ишлаб чиқарилган «УАЗ-452» русумли автотранспорт воситаси (двигатель № 00707660, кузов № 240977). *Бошланғич баҳоси — 1 200 000 сўм.*
- 2006 йил 11 майдаги 8164-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати комендатурасида сақланаётган, давлат рақами Х391NOM бўлган, 1982 йилда ишлаб чиқарилган «AUDI-100» русумли автотранспорт воситаси (двигатель №WC184700, кузов №WAUZZZ442A050511). *Бошланғич баҳоси — 5 000 000 сўм.*
- 2006 йил 11 апрелдаги 6851-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 13-даҳа, 4-уй, 67-хонадон манзилида жойлашган турар жой (икки хонали, иккинчи қават). *Бошланғич баҳоси — 17 268 300 сўм.*
- 2006 йил 11 апрелдаги 6850-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 13-даҳа, 14-уй, 39-хонадон манзилида жойлашган турар жой (уч хонали, биринчи қават). *Бошланғич баҳоси — 22 940 700 сўм.*
- 2006 йил 16 августдаги 11564/6-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган Тошкент шаҳри, Лутфий кўчаси, 2-уй, 1-қаватдаги 168 кв.м.дан ташкил топган бино қисми. *Бошланғич баҳоси — 126 894 000 сўм.*
- 2006 йил 27 январдаги 1958/13-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган Тошкент шаҳри Учтепа тумани суд ижрочилари бўлинмасида сақланаётган, давлат рақами 30J82-73 бўлган, 1972 йилда ишлаб чиқарилган «Москвич-412» русумли автотранспорт воситаси (двигатель№408 БН, кузов №300591). *Бошланғич баҳоси — 192 291 сўм.*
- 2006 йил 24 августдаги 14340-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Қорақамиш кўчасидаги, яшаш учун мўлжалланган 11-уй (1 қаватли, ертўла, 4 хонали, 6 сотих). *Бошланғич баҳоси — 45 258 500 сўм.*
- 2006 йил 15 сентябрдаги 18260/6-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган Тошкент шаҳри, Сергели тумани, массив Спутник-7/9 мавзеси манзилидаги Жиноий ишлар бўйича суди ҳудудида сақланаётган давлат рақами М93-21ТШ бўлган «ЗАЗ-968М» русумли автотранспорт воситаси (1989 йил). *Бошланғич баҳоси — 100 000 сўм.*
- 2006 йил 10 октябрдаги 19318-19/4-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган Тошкент вилояти, Зангиота тумани, 8-сонли жарима майдончасида сақланаётган давлат рақами 30К27-52 бўлган, «ГАЗ-2411» русумли автотранспорт воситаси (1987 йил). *Бошланғич баҳоси — 1 942 091 сўм.*
- 2006 йил 11 майдаги 8175-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган, «Себзор» автомобиллар сақлаш майдончасида сақланаётган, давлат рақами 10V2288 бўлган, «МЕРСЕДЕС-БЕНЦ S320» русумли автотранспорт воситаси (2001 йил, техник соз, двигатель№408604, кузов №WDB2200651A025886, қора рангли). *Бошланғич баҳоси — 81 540 000 сўм.*
- 2006 йил 14 августдаги 10-0618/2018-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 53-уйда жойлашган «УЧҚУН» МЧЖга тегишли 4 қаватли, умумий майдони 14789,0 кв.м. бўлган ишлаб чиқариш биноси. *Бошланғич баҳоси — 2 672 075 000 сўм.*

Қизиқиш билдирган харидорлар ушбу мулкларни суд ижрочилари бўлинмаси вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб кўришлари мумкин. Савдода қатнашиш учун харидорлар тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатилган ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида закалат пулини Ўзбекистон банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖнинг «Асака» банк Автотранспорт филиалининг «Альянс» мини банкидаги, МФО 00417, СТИР 204325773, 20208000804234776001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва савдодаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширишлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризалар ва закалат пулларини қабул қилиш савдодан бир кун олдин тўхтатилади.

Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Тошкент ш., Шайхонтохур тумани, А.Хўжаев к., 1-уй. Телефонлар: 138-69-94, 138-69-93.

172N259

Спорт хабарлари

Туркиядан медаль билан



Туркияда юнон-рум кураши бўйича Олимпия чемпиони Эмри Вехбе хотирасига бағишланган анъанавий халқаро турнир якунланди.

Дунёнинг кўплаб мамлакатларидан номдор курашчилар қатнашган мусобақада ҳамюртимиз Дилшод Орипов (60 килограмм) ўз вазн тоифасида бронза медали билан тақдирланди. Бошқа вазн тоифасида гиламга чиққан полвонларимиз совриндорлар сафидан жой ололмадилар.

Голибга бир килограмм олтин

Россиялик Елена Исинбоева Донецкда дунёнинг энг кучли енгил атлетикачилари ўртасида ташкиллаштирилган турнирда ғалаба қозонди.

Олимпия чемпиони 4 метру 93 сантиметр натижага эришиб, ёпиқ спорт иншоотларида баландликка сакраш бўйича дунё рекордини янгилади. Шу билан у ўзининг олдинги рекордини икки сантиметрга яхшилади.

Турнир ташкилотчилари мусобақа якунида Е. Исинбоевага бир килограммлик олтин қуймасини совға қилишди.

З. ЖОНИБЕКОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Қўшма корхона, узоқ муддатли ижара шарти билан ПВХ дан эшик ва ром ишлаб чиқарувчи ускуналарни ҳамда хомашё етказиб бериш ва ўқитишни таклиф қилади.

Тел: 152-78-68, 152-11-60, 144-76-72.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банклардаги депозит ҳисобварақлардан нақд пулдаги тўловларни узлуксиз таъминлаш кафолатлари тўғрисида»ги 2005 йил 5 августдаги ПҚ-147-Қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2005 йил 9 августдаги 1039-фармойиши ижросини таъминлаш мақсадида

РАТБ «ҒАЛЛАБАНК»

ТИЗИМИДА ТАШКИЛ ҚИЛИНГАН

ИШОНЧ ТЕЛЕФОНЛАРИ:

01.01.2007 йил ҳолатига

№	Банк номи	Телефон рақами		Масъул шахс
1.	Бош банк	(8-371)	136-74-30	Маматов И., Аҳмедов Ф.
2.	Қорақалпоғистон Республикаси минтақавий филиали	(8-36122)	3-72-61, 3-72-18	Исмагулов Р., Жиеналиев К.
3.	Қўнғирот филиали	(8-36131)	2-24-19	Садирова К.
4.	Чимбой филиали	(8-36144)	4-00-20	Шайхов М., Турдимуратов К.
5.	Беруний филиали	(8-361)	524-24-50	Алламова М., Шукуриллаева М.
6.	Андижон минтақавий филиали	(8-3742)	22-23-69	Аҳмадалиев Х., Мамадалиева З.
7.	Қўрғонтепа филиали	(8-37472)	3-10-32, 3-14-86	Ҳамрақулов А.
8.	Бухоро минтақавий филиали	(8-3652)	23-58-86, 23-89-43	Равшанова М., Бўриев А.
9.	Галаосиё филиали	(8-365)	54-24-960, 54-24-965	Курбонов А., Иззатов И.
10.	Жиззах минтақавий филиали	(8-3722)	6-22-98, 6-28-63	Омонов Т., Назарова З.
11.	Қашқадарё минтақавий филиали	(8-375)	223-18-85, 223-10-66	Камолова М., Азизов А.
12.	Кўқдала филиали	(8-375)	275-35-61	Қосимов Ш., Хўрозов С.
13.	Яккабоғ филиали	(8-37558)	2-22-79	Омонов И., Боратова Ғ.
14.	Навоий минтақавий филиали	(8-436)	224-98-01	Каримов Н.С., Тўраева Н.Н.
15.	Наманган минтақавий филиали	(8-3692)	26-44-99, 26-86-63	Аминов А., Салимохунов А.
16.	Поп филиали	(8-36943)	33-438, 32-186	Ҳошимов А., Ўрмонқулов Б.
17.	Учқўрғон филиали	(8-3692)	2-20-86	Абдураҳмонова Ф., Мадраҳимова О.
18.	Самарқанд филиали	(8-3662)	21-39-75	Аҳмедов О., Аҳмедова Ш.
19.	Сурхондарё минтақавий филиали	(8-37622)	7-51-67, 7-56-70	Ҳамидова З., Рўзиқулов А.
20.	Шўрчи филиали	(8-37645)	5-37-20, 5-32-61	Тожиев И., Аҳмедов Ш.
21.	Қумқўрғон филиали	(8-376) (8-376)	226-60-76, 781-10-10	Эрмўминов Э., Каримов И.
22.	Сирдарё минтақавий филиали	(8-3672)	25-23-75, 25-19-35	Худойқулова Ю., Қорабоев И.
23.	Фарғона минтақавий филиали	(8-3732)	22-58-57	Каримов А., Мирзалиев Х.
24.	Қўқон филиали	(8-37355)	2-30-21	Икромов А., Нурматов Э.
25.	Қува филиали	(8-37331)	5-61-86	Мўйдинов З., Маматқулов А.
26.	Хоразм минтақавий филиали	(8-3622)	27-48-07, 27-27-90	Матчонов О., Латипова С.
27.	Хонқа филиали	(8-36239)	9-10-59, 9-24-60	Абдуллаева С., Бобожонов Р.
28.	Тошкент вилояти минтақавий филиали	(8-371)	133-41-34	Хожимуродов С., Алланурова К.
29.	Оҳангарон филиали	(8-264)	5-53-86	Қодиров Р., Тонготаров С.
30.	Бекобод филиали	(8-291)	2-30-91	Сулаймонов Х., Худойбердиев О.
31.	Юнусобод филиали	(8-371)	134-72-90	Еремеева Н., Мустафоев Ш.
32.	Амалиётлар бошқармаси	(8-371)	132-16-55	Аҳмедов М., Федоренко С.А.

Компаниялар ва фирмалар раҳбарлари диққатига!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ

БОЛАЛАР СПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМҒАРМАСИ

ОЧИҚ ТЕНДЕР САВДОЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

ТТ-2007-I. Болалар спорт мажмуаларини жиҳозлаш учун спорт анжомлари ва ускуналарини етказиб бериш (харид қилиш миллий валюта — сўмда амалга оширилади).

ТТ-2007-II. Болалар спорт иншоотлари учун сунъий қопламаларни етказиб бериш ва монтаж қилиш (харид қилиш хорижий валюта — АҚШ долларида амалга оширилади).

ТТ-2007-III. Болалар спорт мажмуаларини жиҳозлаш учун баскетбол тўпларини етказиб бериш (харид қилиш хорижий валюта — АҚШ долларида амалга оширилади).

Тендер савдоларини ўтказиш бўйича ишчи орган сифатида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Болалар спорт иншоотларини спорт анжомлари ва ускуналари билан жиҳозлаш бўлими белгиланган.

Тендер савдоларида юқорида кўрсатилган спорт анжомлари ва ускуналарини ишлаб чиқариш ва/ёки етказиб бериш бўйича тажрибага эга бўлган маҳаллий ва хорижий фирма ва ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

Тендер савдоларида иштирок этишга қуйидаги фирма ва ташкилотлар қўйилмайдилар:

- *қайта ташкил этилиш, тугатилиш ёки банкротлик ҳолатида бўлганлар;*
- *белгиланган муддатда тендер олди саралаш босқичи (квалификационный отбор) учун барча талаб қилинган ҳужжатларни тақдим этмаганлар;*
- илгари тузилган шартномалар бўйича келишилган мажбуриятларни ўз вақтида ва тўлиқ бажармаганлар;
- *тендер савдоси ўтказилиши тўғрисида эълон қилингунга қадар 6 ойдан кам муддат ичида ташкил этилганлар;*
- *буюртмачи билан суд ёки арбитраж жараёнларини бошдан кечираётганлар;*
- *тендер комиссиясининг тижорий ва молиявий кўрсаткичлари талабларига жавоб бермайдиганлар.*

Тендер таклифларини қабул қилиш муддати — 2007 йил 15 март куни Тошкент вақти билан соат 15.00 гача.

Талабгорлар тендер савдоларини ўтказиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари бўйича қўшимча маълумотларни ҳар куни (шанба ва якшанбадан ташқари) соат 9.00 дан 18.00 гача тендер таклифларини қабул қилиш муддати тугашига 5 кун қолгунга қадар Болалар спорт иншоотларини спорт анжомлари ва ускуналари билан жиҳозлаш бўлимидан олишлари мумкин.

Манзил: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Мустақиллик майдони, 5-уй.
Телефон: 139-47-56. Факс: 139-47-69.

Бугун Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд топган кун

Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарлари жаҳон адабиёти дурдоналарига айланди. «Бобурнома», «Рисолайи аруз», «Мубаййин», «Волидия» каби ижод намуналари авлодларни маънавий камолотга кўтарувчи улкан бадиий чашмалар, соҳир туйғуларга, чуқур фикрларга бой шеърияти шоирни дилларга яқин этгувчи қанотлардир.

«...ҚОЛДИ ФАЛОНДИН ЯХШИЛИҒ»

Бобур — туйғулари товланувчан шоир. Лирик қаҳрамон баъзан ҳаётнинг ғаниматлигини теран англаган, руҳий эркинликни қадрлаган ҳаётсевар, баъзан эса армонлар исканжасидаги инсон сифатида тасаввуримизда пайдо бўлади. Аммо, ҳар қандай вазиятда ҳам шоир некбинлик билан ўз руҳий ҳолатини яхшилик ва умидворликка йўналтира олади. Қуйидаги байтда шоир ўзининг яшаш тамойилини ифодалаб бера олган:

Бори элга яхшилиқ қилғилки,
мундин яхши йўқ
Ким дегайлар, даҳр аро
қолди фалондин яхшилиғ.

Шоир шеъриятини кузатар эканмиз, назаримизда, шундай бир мавзу борки, ҳар бир асарига томирда оқувчи қондек жон, тириклик ато этиб туради. Бу кенг маънодаги соғинч, соғиниш туйғусидир. Муҳаббатни соғиниш, яхшиликни, вафо, садоқатни, хиёнатсиз дунёни, ватанни соғиниш...

Бобур — туйғулари теран шоир. У дунёни кўнгил кўзлари билан кўра олади. Борлиқнинг ҳар бир ашёсидаги мўъжиза, тилсимни англайди. Уларнинг тилини, қалбини тушунади. Атрофидаги инсонларнинг ҳам худди шундай руҳий юксакликда умр кечиришларини орзулайди.

Бобурнинг қуйидаги ғазали 5 байтдан иборат кичик ҳажмли асар. Унда шоирнинг маҳорати, услуби яққол кўринган. Ғазал ошиқона йўналишда. Унда ошиқ ва маъшуқа тимсоллари иштирок этади. Шоир дастлаб табиатдаги ноёб манзаралар муқоясасида маҳбубанинг қиёфасини тасвирлайди. Кейинги байтларда унинг феъл-атворига эътиборни қаратади. Ниҳоят, сўнгги байтларда маъшуқа гўзаллиги ва табиати туфайли юзага келган ошиқнинг руҳий ҳолати ўз ифодасини топади:

Хатинг аро узоринг
сабза ичида лола,
Ул чашми пурхуморинг
лоладағи ғазола.
Барча парилар, эй жон,
гирдингда зору ҳайрон,
Гўё эрур намоён
ой теграсинда ҳола.
Меҳру вафони ағёр
кўп кўрди сендин, эй ёр,
Жавру жафони бисёр
қилдинг манга ҳавола.
Ҳажрингда, эй парирў,
кўзумдин учти уйқу,
Ҳар кеча тонгга дегру
ишимдур оху нола,
Юз сафҳасинда хатлар
ёшдинки ҳар тараф бор,
Ишқингда Бобур айлар
бу навъ юз рисола.

Шоир дастлабки байтда маъшуқанинг юзи ва кўзига эътиборни тортади. Уларни тасвирлар экан, табиатдан гўзал манзарани топади ва уни мусаввир мўйқаламидан тоза чиққан суратдек тасаввуримизда намоён эта олади. Нафис майсалар узра очилган лола — маҳбубанинг эътиборни тортувчи майин тукли юзи. Лолазор ичра турган оху эса унинг хумор кўзлари. Юзни лолага, кўзни оҳуга ўхшатиш янгилик эмас. Аммо, Бобур шу анъанавийликни бирлаштириб, янги манзара ярата олади. Унинг маҳорати ҳам шунда. Лолазор ва ундаги оху қиёфаси ўқувчига манзарадан кўра кўпроқ сўзлайди. Уни тасаввур ва мушоҳада этишга ундайди. Аммо шоир бу тасвир билан қаноатланмайди. Маълумки, маҳбуба юзини ойга қиёслаш мумтоз адабиётда анъана. Бобур бу ташбеҳни ҳам кенгайтиради. Ой ва унинг атрофидаги ҳалқани маҳбуба гўзаллигидан ҳайратда, унинг жамолини томоша қилаётган парилар занжирига ўхшатади.

Кўринадики, Бобур сўзларни қўллашда бор маҳоратини намоён эта олади. Ҳар бир сўзнинг турли маъно товланишларини назарда тутиб ишлатади.

Бобур ошиқона мавзудаги шеърларида фақат ишқий кечинмалар — изтироблар, васл айёмидан шодумонликларни қуйлаш билангина чекланмайди. Уларнинг замирига ҳаётий тажрибаларидан англаган, мураккаб қисмат зарбаларидан ҳис қилган фалсафаларни, хулосаларни ҳам сингдиради:

Эй кўнгул, юзин кўриб
зулфи паришонин соғин,
Шоми ҳижрондин таваҳҳум
айла васл айёмида.

Ҳаёт зиддиятларга сероб. Ўз тақдирида бунинг гувоҳи бўлган Бобур юқоридаги байтда қарама-қаршиликларга йўғрилган инсон умри саҳифаларини тазод санъати воситасида ёритишга ҳаракат қилади. Шоир кўнгилга мурожаат этиб, дийдорга эришганда, юзни тўсувчи зулфни, висол айёмида эса ҳижрон тунини унутмасликни уқтиради. Бундан шоирнинг мақсади, биринчидан, бу икки — шодмонлик ва қайғу ҳолати ҳар дақиқада ўрин алмашиши мумкинлигини эслатиш бўлса, иккинчидан, масрур дамлар ғаниматлигини, уни қадрлашни англашга даъват, учинчидан эса, ҳар қандай вазиятда ҳам инсонни ўз мувозанатини сақлашга чорловдир. Бу каби чуқур ҳаётий мулоҳазалар шоир шеъриятининг ижтимоий моҳиятини оширади.

Таъкидлаганимиздек, Бобур шеъриятида ишқ етакчи мавзу. Биз уни кўпроқ дунёвий йўналишда талқин этамиз. Аммо тимсоллар оламини, уларнинг моҳиятини синчиклаб ўргансак, Бобур шеърлари фалсафийликдан, орифона ҳикматлардан йироқ эмаслигини англаймиз. Шеъриятда шундай ишоралар, рамзлар борки, уни чуқурроқ таҳлил этиш мақсадга мувофиқдир:

Олам аҳли бирла одамдин
манга сенсен ғараз,
Зоти покинг бўлмаса,
оламда одам бўлмасун.

Олти байтли ушбу ғазалда шоир илоҳий ишқ кечинмаларини тасвирлашни назарда тутган. Маълумки, олам ва одамнинг мавжудлиги, бир-бирига муносабати илоҳий тажалли билан боғлиқ.

Уларнинг моҳиятини англаш комиллашиш, илоҳийлашиш билан баробар. Шу сабабли лирик қаҳрамоннинг асосий мақсади ҳам ана шу — асл моҳият. У моҳиятсиз ҳодисада мантиқ кўрмайди.

Янги ой ёр юзи бирла кўруб
эл шоду байрамлар,
Манга юзу қошиндин айру
байрам ойида ғамлар

матлаъси билан бошланувчи ғазални ҳам шоир ҳасби ҳоли билан боғлиқ зоҳирий ва моҳияту ҳодиса муносабатларига алоқадор ботиний мазмунда англаш лозим. Адабиётшуносликда унинг ёр ва диёрдан айро ошиқ кечинмалари сифатидаги талқини маълум. Аммо ғазални мутолаа этиб, унинг замирида рамзлар воситасида илоҳий ошиқликка ҳам ишоралар борлигини кўрамиз.

Имон — эътиқод, кўнгил иши. У руҳий эҳтиёж маҳсули. Эътиқодни кўрсатмалар воситасида сингдириб бўлмайди. Буни яхши тушунган шоир зоҳид кўрсатмаларидан оғринади. Шахс эркини қадрлашни талаб қилади:

Агар муслиҳмен, ар муфсид
ва гар ошиқмен, ар обид,
Не ишинг бор сенинг, зоҳид,
менингки ихтиёрим бор.

Шоир лирик қаҳрамони эътиқодини, тоат-ибодатни юзаки тушунмайди. Ботиний аъмол деб билади.

Бобур шеърларига хос мазмуний теранлик боиси унинг сўзларни, бадиий тасвир воситаларини ва тимсолларни маҳорат билан қўллашидадир.

Бобур шеърияти — улуғ дарё. Биз айтган фикрлар ундан бир томчи. Уни ўрганган сари нақадар теран шеърият эканлигини англайверамиз. Ҳар бир ғазалида, сатрида «Қолди фалондин яхшилиғ» деган даъватни эшитгандай бўламиз.

Иқболой АДИЗОВА,
ЎзМУ доценти.

Эринмаган одамлар

Қулоқлар бақувват бўлса...

Хитойлик Вэнг Лайанхай оғирлиги 1,2 тоннага тенг автоуловни қулоқлари ёрдамида 200 метрга силжитиб барчани ҳайратга солди.

Янаям қизиқ томони, Цицикар шаҳрида яшовчи рекордчи машинани пиёда юриб эмас, мотоциклга ўтириб ўрнидан қўзғатди.

Вэнг Лайанхай бундай трюклар билан болалигидан шуғулланган. Маълумотларга кўра, у эндиликда қулоқлари ёрдамида кемани тортишни режалаштирибди.

Танловда ютди ва кетди



Калифорния радиостанциясининг жонли эфирида инсон саломатлигига зарар келтирувчи танлов ўтказилганлиги боис ўн нафар ходим лавозимидан бўшатилди.

Ғап шундаки, Сакраменто шаҳридаги «KDND-FM» радиоси ғайритабиий танлов уюштиради. Танлов шартига кўра, ким кўп сув ичса, ғолиб бўларди.

Унда уч нафар фарзанднинг онаси, эндигина 28 ёшни қаршилаган Женнифер Стренж бир йўла 6,5 литр сув ичиб юбориб ғолиб чиқади. Бироқ у «ғалаба»сини узоқ нишонлай олмади. Орадан беш соат вақт ўтгач, соғлиғи ёмонлаша бошлади. Шифокорлар унинг жонини сақлаб қола олмадилар.

Қариялар эрмаги

Буюк Британиядаги "АХА" суғурталаш компанияси ўтказган тадқиқот натижасига кўра, мамлакатдаги қариялар интернет тармоғига энг кўп мурожаат қилишар экан.

Пенсионерлар интернетдан, асосан, ўзларига электрон манзиллар очиш, турли хил ахборотлар излаш ва чипталар буюртма қилиш учун фойдаланишади.

Тадқиқотда айтилишича, Британия қариялари интернетда фойдаланиш бўйича мамлакатлар ичида 5-поғонани забт этмоқда.

Омонулла ФАЙЗИЕВ тайёрлади.

Юртингизнинг истиқболи порлоқ

деди ҳиндистонлик доктор Рашпал Малхотра

Кейинги йилларда Ўзбекистон-Ҳиндистон давлатлари ўртасида ўзаро тенг манфаатли ҳамкорлик ривожланиб бормоқда. Хусусан, савдо-иқтисодий, сармоявий, илм-фан, ахборот технологиялари, шунингдек, ўзаро мутахассислар алмашиши ва бошқа соҳалардаги алоқалар янги босқичга кўтарилди.

Шу кунларда Ҳиндистон Қишлоқ хўжалик ва саноат тараққиётини ўрганиш мустақил тадқиқот институти директори доктор Рашпал Малхотра етакчилигидаги делегация аъзолари мамлакатимизда меҳмон бўлиб туришибди. Улар бир қатор вазирлик ва идораларда, жамоатчилик ташкилотларида бўлиб, юртимиз ҳаёти билан танишмоқдалар.

Миллий матбуот марказида ушбу делегация аъзолари билан мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган оммавий ахборот воситалари ходимларининг учрашуви бўлиб ўтди.

Тадбирда делегация раҳбари Рашпал Малхотра ўзи етакчилик қилаётган институт фаолиятига тўхталиб, жумладан шундай деди:

— Институтимиз Ҳиндистондаги 27 та йирик тадқиқот марказларидан бири саналади. Илмий ходимларимиз нафақат қишлоқ хўжалиги ва саноат тараққиёти йўналишида изланишлар олиб борадилар, балки давлатлараро тинчлик, тотувлик ва хавфсизлик бўйича ҳам тадқиқотлар ўтказишади.

Матбуот анжуманида иштирок этган таниқли журналист ва ўнлаб китоблар муаллифи, Ҳиндистондаги йирик нашрлардан бири «Эйжн Эйдж» газетаси бош муҳаррири Мубошар Жавед Акбар эса ўзбек-ҳинд халқлари ўртасидаги азалий дўстлик ва унинг янги очилаётган қирралари, Ўзбекистон Марказий Осиёда етакчи давлат эканлиги ҳақидаги ўринли мулоҳазалари, шунингдек, дунё халқлари олдида турган глобал муаммолар борасида ўз фикр-мулоҳазаларини баён этди.

Саидолим ҲАЙДАРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ўқувчи, коллеж, корхона

Самарқанддаги Ёшлар марказида бўлиб ўтган анжуман мавзуси «2006 — 2010 йилларга мўлжалланган касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар битирувчиларини сифатли тайёрлаш ҳамда уларнинг меҳнатидан самарали фойдаланиш бўйича намунавий ҳудудий дастур»нинг ижросига қаратилди. Унда Самарқанд шаҳридаги барча касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар, йирик корхоналар, олий ўқув юртлари ректорлари ва халқ таълими тизими раҳбарлари иштирок этишди.

Анжуман

Давра суҳбати шаклида ташкил этилган анжуманда республика ва вилоят миқёсидаги тармоқ мутасаддилари, жамоатчилик вакиллари ва бир неча касб-ҳунар коллежлари ҳамда корхоналар раҳбарлари соҳадаги бугунги аҳвол ҳақида сўз юритишди. Барчанинг эътибори яратилаётган янги иш ўринларини белгилаб бориш, меҳнат бозорини доимий таҳлил этиш — мутахассисликлар ва иқтисодиёт тармоқлари кесимида ўрганиш, мактаб, касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юртлари ўртасидаги интеграцияни таъминловчи ҳамкорлик муҳитини яратишга қаратилди. «Ўқувчи-коллеж-корхона» шаклидаги уч томонлама шартномани амалга татбиқ этиш ишларини янада такомиллаштириш лозимлиги энг долзарб вазифа эканлиги қайд этилди.

Ўтган ўқув йилида вилоят касб-ҳунар коллежларини 16087 нафар ўқувчи битириб, уларнинг 13602 нафари иш билан таъминланган, 588 нафари эса олий ўқув юртларига ўқишга кирган. Бунда вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасининг шаҳар ва туман бўлимларида бўш иш ўринлари ярмаркалари ташкил этилганлигининг ҳам самараси катта бўлганди.

Шундай бўлишига қарамай, ҳали вилоятда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлашда жиддий муаммоларни бартараф этиш зарурати тўғрисида фикр алмашилди.

Абдурасул САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«АВТОАЛОҚА»

АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ БАРЧА АКЦИОНЕРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

2007 йил 15 март куни соат 10.00 да 42-АТС биносида умумий мажлис ўтказилади.

Кун тартиби:

1. «Автоалоқа» ОАЖ кузатув кенгашининг ҳисоботи.
2. «Автоалоқа» ОАЖ бошқарув раисининг жамият 2006 йил молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи.
3. Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи.
4. 2006 йил натижалари бўйича дивидендларни тақсимлаш.
5. Жамият бошқарув раиси билан 2006 йилга тузилган шартномани узайтириш ёки бекор қилиш тўғрисида.

«Автоалоқа» ОАЖнинг 2007 йилнинг 1 январига бўлган баланси *(млн. сўм)*

Актив		Пассив	
1. Узоқ муддатли активлар	3 672	1. Хусусий капитал	102 604
2. Асосий воситалар	37 906	2. Мажбуриятлар	5 950
3. Айланма маблағлар	66 976		
Жами	**108 554**	**Жами**	**108 554**

2007 йил 1 январга бўлган молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот

1. Соф тушум	114 362
2. Ишлаб чиқариш	95 543
3. Умумий фойда	17 838
4. Солиқлар	14 838
5. Фойда	3 981
6. Тақсимланмаган соф фойда	1,5

Керакли ҳужжатлар билан қуйидаги манзилда танишиш мумкин: Тошкент ш., Беруний к., Марказ-27 мавзеси, 42-АТС биноси. Телефон: 149-65-67.

Тошкент Молия институти жамоаси Иқтисодий география ва экология кафедраси мудири Шуҳрат Азимовга онаси **РИХСИ** аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Тошкент Педиатрия тиббиёт институти жамоаси Умумий хирургия, нур ташхиси ва терапияси кафедраси катта ўқитувчиси, тиббиёт фанлари номзоди Зоир Рихсибоевга волидаси муҳтарамаси **ҚУМРИХОН** аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи
Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 153. 40638 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Э. Болиев.
Навбатчи — А. Самадов.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.20 Топширилди — 22.20 23456